# 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 1 июнь • № 21 (886)


**Семинар**

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА




***Фахр билан айтишимиз жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, самарали натижаларга эришиб келмоқда. Айниқса, давлатлар ўртасида ўтказилаётган нуфузли даражадаги илмий-амалий анжуманлар, съезд ҳамда форумларнинг юқори савияда олиб борилаётганлиги фаолиятлар ривожига янада ривож қўшмоқда.***

Шу йилнинг 25 май куни пойтахтимизда иш бошлаган Ўзбекистон – Жанубий Корея илмий-тиббий семинари юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Унда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари билан бирга Корея Республикасининг нуфузли тиббиёт муассасаларининг тажрибали шифокор-олимларидан иборат элликка яқин вакиллари иштирок этди. Ушбу тадбир 2011 йил август ойида Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро имзоланган меморандум доирасида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов, Жанубий Корея соғлиқни ривожлантириш институти президенти Ко Кён Хва, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван ва бошқалар давлатларимиз ўртасида тиббиёт соҳасида ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Анжуман давомида корейялик мутахассислар мамлакатимиздаги бир қатор даволаш муассасалари, хусусан, Республика ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, онкология ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий тиббиёт марказлари каби қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, у ердаги фаолиятлар билан чуқур танишдилар. Шу вақтга қадар икки томонлама ўзаро ҳамкорлик доирасида


**(Давоми 2-бетда).**


## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

***Ўзбек халқи азал-азалдан болажон. Шу боис бўлса керак, мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига бормайлик, у ерда болаларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликдан қувончимиз ортади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир». Ана шундай эзгу орзу умидлар қанотида вояга етаётган фарзандларимизга бугун нафақат халқимиз, балки Ватанимиз ҳам қатъий ишонади.***

Биламизки, бутун дунёда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида болалар учун байрам шодиёналари, дам олиш тадбирлари бўлиб ўтади. Дунёда ҳеч бир халқ йўққи, ўз келажаги давомчиларининг бугуни ва эртаси хусусида қайғурмаса. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинганлиги шарофати билан Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятининг фаол иштирокчисига айланди. Истиқлол йилларида давлатимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимларни имзолади. Жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтиришни таъминлаш тўғрисида»ги Умумжаҳон Декларацияси, «Болаларни бошқа мамлакатга


**(Давоми 3-бетда).**




**Дард кўрмагин асло Болажон,**
**Соғлом ўсгин, доим бўл омон.**

**Соғ тандаги соғлом ақлингдан,**
**Буюк бўлсин юрт – Ўзбекистон.**

*Семинар*

# ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

юртимизда кореялик мутахассислар билан ҳамкорликда пластик хирургия, стоматология, травматология ва ортопедия ҳамда кардиохирургия йўналишлари бўйича бир неча бор жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.

Кейинги пайтларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар жаҳон тиббиёт вакилларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ниҳоятда кенг аудиторияда ўтказилган ушбу илмий-амалий анжуман икки давлат мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашуви, қолаверса, ҳамкорликни янада узвий давом эттириш масалаларига бағишланган бўлиб, кореялик мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятлар хусусида қуйидагиларни гапириб ўтдилар:

– *Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган янгиликларни кўриб беҳад хурсанд бўлдик,* – **деди биз билан суҳбатда сеуллик шифокор Ким Сеонг Жин.** – *Мен айнан сизнинг мамлакатингизга келиб тажриба алмашаётганимдан мамнунман. Чунки, Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли – "Save the children» (Болаларни асрайлик) Халқаро ташкилоти томонидан тузилган халқаро рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилган. Хусусан, биз Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги болалар ошқозон касалликлари шифохонаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Ўзбек ҳамкасбларимиз билан касалликларга аниқ ташҳис қўйиш ва мураккаб жарроҳлик муолажалари ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашдик. Бизнинг Северанс клиникамизда эса ўзаро алмашув дастурига биноан ўзбек тиббиётчилари амалиёт ўташяпти. Мазкур тадбирдан сўнг тиббиёт соҳасидаги халқаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишига ишонаман.*

Дарҳақиқат, меҳмонларимиз таъкидлаганидек, минглаб халқаро тадқиқотчилар томонидан 161 мамлакатда аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниш даражаси, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари солиштириб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича рейтингда мамлакатимиз тўққизинчи ўринни эгаллаб, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олди.

– *Ўтган йили мамлакатингизда ўтказилган яна бир тарихий анжумандан сўнг дунё аҳлида Ўзбекистонга қизиқиш янада ортди,* – **дея мамнуният билан сўз бошлади Сеул миллий университети педиатрия кафедраси мудири, болалар касалхонаси профессори Чонг Ил Нох.** – *«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум юксак савияда ўтди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўз маърузасида Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари ошиб, умр кўриш давомийлиги узаймоқда ва бу кўрсаткич билан у ҳар қанча фахрланса арзийди, деб бежиз таъкидламади. Кореяликлар ҳам сизга ўхшаб болажон халқ. Авлодлар саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирсак, ўзаро тажриба алмашсак, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Ташрифимиз доирасида биз онкология, травматология ва ортопедия ҳамда кардиология марказларида, шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси клиникалари фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Буларнинг барчаси келгусидаги ҳамкорлик ришталари мустаҳкам боғланишида муҳим аҳамият касб этади. Уч йилдан буён мамлакатингизга хизмат сафари билан келиб, болалар кордиожарроҳлиги бўйича юртингизда қўлга киритилган ютуқлар билан яқиндан танишман. Бундан ташқари, ёш кадрларнинг илмий изланишлар олиб бораётганлиги ҳамда уларнинг янгиликлар сари интилишлари мени қувонтиради ва ўзбек ҳамкасбларимнинг ютуқлари менга қанот бағишлаб, олган тажрибаларимни фаолиятимда қўллаб келмоқдаман.*



**Эътироф этиш жоизки, анжуманда юртимиз тиббиётчилари ҳам фаол қатнашдилар. Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар пластик жарроҳлиги бўлими бошлиғи Мурод Жаъфаров мазкур тадбирнинг аҳамияти тўғрисида шундай деди:**

– *Жанубий Кореянинг энг нуфузли саналган ўнта тиббий марказларидан вакиллар келишди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳаси кенг ёритилган илмий аҳамиятга эга видеороликлари, реклама буклетлари билан иштирок этишиб, кун тартибидан ўрин олган семинарларда маъруза қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, мутахассисларимиз кейинги йилларда илмий салоҳият йўлида бор куч ва имкониятларини аямасдан тиббиётнинг фан уфқлари ривожланишида муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Давлатимиз раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли Жанубий кореялик ҳамкасбларимиз билан фаолиятдаги ишларимиз чамбарчас боғланиб, тиббиёт ходимларимиз уларнинг етакчи клиникаларида тажриба кўламларини бойитиб келмоқдалар. Улар ҳам бизнинг клиникаларимизда амалга оширилаётган мураккаб операция жараёнларида иштирок этишиб, малакаларини бойитиш имкониятига эга бўлмоқдалар.*



Куннинг иккинчи ярмида тадбир иштирокчилари учта секцияга бўлиниб, тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар. «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш соҳасидаги ҳамкорлик», «Кардиологияда янги технологиялар», «Онкология ва ортопедияда янги технологиялар» каби секцияларда икки мамлакат нуфузли олимлари томонидан соҳадаги энг сўнгги янгиликларга асосланган маърузалар тингланиб, ўзаро фикр алмашувлар ҳамда мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланди. Семинарнинг иккинчи куни кореялик меҳмонлар олти гуруҳга бўлиниб, Республика кардиология маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган эдокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика онкология илмий маркази, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтларида бўлишиб, мазкур тиббиёт муассасаларидаги шароитлар ҳамда мутахассисларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишдилар.



**Бу ҳақда Чоннам миллий университети профессори Сёнг Йеоб Ру биз билан суҳбатда шундай деди:**

– *Ҳозирги кунда онкологик касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш дунё тиббиётчилари олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Бу соҳада Ўзбекистондаги Республика онкология илмий марказида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб шундай хулосага келдимки, мамлакатингизда бу борада кўпгина муваффақиятларга эришилибди. Марказдаги беморлар учун яратилган шароитлар, шифокорларнинг улар билан олиб бораётган муолажалари шубҳасиз беморларда эртанги кун учун ишонч уйғотади. Бу эса касалликни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўйлайманки, республикангизнинг ҳамма вилоятларида ҳам онкологик касалликларининг олдини олиш ва даволаш борасида худди шу ердагидек имкониятлар ҳамда замонавий технологиялар мавжуд.*

**Сежонг клиник шифохонаси профессори Жин Сик Пак Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида бўлгани ва у ердаги фаолиятлар тўғрисида қуйидаги фикрларини билдириб ўтди:**

– *Мазкур марказдаги энг сўнгги русумдаги ташҳис қўйиш аппаратлари, химия-биологик лабораториялардаги турли текширув таҳлилларига мўлжалланган жиҳозлар, юрак-ишемик касалликларида ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари замонавий технологиялар асосида олиб борилаётганини кўриб юртингизда бу соҳада катта ютуқларга эришилганидан мамнун бўлдик. Келажакда ўзбек кардиологлари билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлашни режалаштирдик.*

Яна шу ўринда айтиб ўтмоқчимизки, айни кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг 13 та вилоят филиали ҳамда 171 туман бўлими, шунингдек, «03» хизмати самарали фаолият кўрсатмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кунда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Шунингдек, замон талабига жавоб бера оладиган скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказларнинг кенг тизими жорий этилди.

**Ўзбек – корея илмий-тиббий семинарида иштирок этган Тошкент тиббиёт академияси профессори, Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Холида Шайхова ҳам ўтказилаётган тадбирнинг келгусида ўз соҳасини мукаммал эгаллаган мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтди:**

– *Кореянинг нуфузли дорилфунунлари Сеул, Кёнхи миллий университетлари, бир қанча госпиталлар билан алоқаларимиз бор. Ўзаро малака алмашуви, янги технологияларни кенг татбиқ қилиш йўллари борасида ҳамкорлик қиламиз. Мутахассисларнинг қисқа ва узоқ муддатли хизмат сафарларини режалаштиряпмиз. Булардан мақсад, ҳар томонлама мукаммал билим ва тажрибага эга шифокорларни тайёрлашдир. Шуни айтиш муҳимки, кореялик меҳмонлар республикамиздаги қайси тиббий марказда бўлишмасин, у ердаги шарт-шароитларни кўриб, мамлакатимизда мазкур соҳа бўйича ибратли фаолият олиб борилаётганини қайта-қайта таъкидлашди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилганини эътироф этишди.*

Гарчанд семинар қисқа муддат ичида ўтган бўлсада, кореялик шифокорлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасида эришилган ана шундай ютуқларни ўз кўзлари билан кўришга мушарраф бўлишди. Бундан ташқари, анжумандан ўзига хос таассуротлар олган меҳмонлар пойтахтимизнинг тарихий ва маданий жойларини зиёрат қилишди.

Илмий семинар сўнггида Корея соғлиқни сақлаш индустрияси тараққиёти институти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ижтимоий таъминот вазирликлари ҳамда Республика врачлар ассоциацияси ўртасида тиббиёт соҳасида мустаҳкам алоқаларни боғлаш бўйича меморандум имзоланди.

**Ҳафиза КУРДАШЕВА,**
**Диёра БОЗОРОВА.**
**Суратлар муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Ҳамкорлик*

# ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ УЧУН

***Ўзбек – корея илмий-тиббий семинарининг энг муҳим натижаларидан яна бири Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси, Корея соғлиқни сақлаш индустрияси тараққиёти ва Корея халқаро тиббий хизматлар ассоциацияси ўртасида уч томонлама меморандумнинг имзоланиши бўлди. Унда Ўзбекистон врачлар уюшмаси раиси, профессор А. Худойберганов, Корея соғлиқни сақлаш индустрияси тараққиёти институти президенти Кён Ква Колар Ўзбекистон – Корея давлатлари ўртасида йилдан-йилга ўсиб бораётган ҳамкорликнинг ижобий томонлари ва келгусидаги истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.***





Меморандум 8 бобдан иборат бўлиб, унда томонларнинг ҳамкорликдаги вазифа ва ҳуқуқлари аниқ кўрсатилган. Булар тиббиёт соҳасидаги ахборот, тажриба, эксперт алмашинуви, илмий-амалий семинарлар ўтказиш, тиббиётнинг устувор масалалари бўйича ҳамкорликда лойиҳалар тузиш ва уни амалга ошириш, экспертлар, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, институт ва клиника, жамоатчилик соғлиқни сақлаш марказлари ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий технологияларни муттасил кириттиб бориш, даволаш сифатини яхшилаш ва беморларга тиббий хизмат даражасини оширишдан иборатдир.

Меморандум беш йил муддатда тузилган бўлиб, унда икки давлатнинг аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширадиган муҳим мақсадлари ўрин олган.

Таъкидлаш муҳимки, айни кунда Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси 4 та ҳудудий бўлим, 8 та қўмита, 11 та жамоа шаклидаги тор мутахассислардан иборат бўлиб, аъзолар сони қирқ мингтани ташкил этади.

Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси 1998 йилдан Европа Тиббий Ассоциациялари Форуми ва ЖССТ билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. 2011 йилда Осиё республикалари ичида биринчилардан бўлиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига аъзо бўлди. Ҳозирда Ассоциация республика тиббиётида катта ижтимоий кучга айланган ва унинг халқаро мавқеи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси ва Корея соғлиқни сақлаш индустрияси тараққиёти ҳамда Кореянинг халқаро тиббий хизматлар ассоциацияси ўртасида уч томонлама меморандум имзоланар экан, бу албатта, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик риштaларини узвий боғлаган ҳолда тизимдаги фаолиятларни янада равнақ топтириш, шунингдек, мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба алмашувни яхшилаш, илмий изланишлар кўламини кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратиши шубҳасиз.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори.**

*1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида»ги Гаага Конвенциясининг ратификация қилингани юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин далилидир. «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 25-моддасида «Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар никоҳда ва никоҳсиз туғилганлигидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак» дея таъкидланган. Шунингдек, БМТнинг «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий



ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро Пактида «Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар, алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт»лиги мустаҳкамланган. Конституциямизнинг 64-моддасига кўра, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» дейилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Маълумки, болани илм олишга, касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, навқирон авлод вакилларининг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилгандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими олишини кафолатлайди». Юртимизда «Соғлом она – соғлом бола» Миллий дастурининг амалга киритилиши бугун ўзини тамомила оқламоқда. Хусусан, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва болаларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилиш йўналишига қаратилган фармон ва қарорлари жойларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларининг бош мақсади оилани мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида аввало, соғлом насл, «Соғлом она ва бола» дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва ақил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш назарда тутилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, болалар манфаатларини тўлиқ таъминлаш ва соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини таъминлаш аниқ белгиланган режаларни тақозо этади. Шунда биз, Президентимиз таъкидлаганларидек, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишиларига эришамиз.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*Дил изҳори*

# КЎЗЛАРИМГА НУР БАХШ ЭТИШДИ

*Бугунги кунда тизимида амалга оширилаётган ишлар билан қанчалик фахрлансанг арзийди. Айниқса, Президентимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлидаги эзгу ишлар амалиётда ўз ифодасини бериб, халқимиз бундай имкониятлардан мамнун бўлмоқда. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказидаги фаолиятлар ҳам халқаро даражадаги етакчи клиникалар имкониятларидан асло қолишмайди.*

Яқинда мазкур марказда кўз соҳамда операция амалиёти ўтказдим. У ердаги озодалик, тартиб-интизом, шифокорларнинг муомала маданияти, қолаверса, замонавий технологиялар асосида кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда малакали кадрларнинг иш тажрибаси беморлар дарддан тезда фориғ бўлишига ёрдам бермоқда.

Кўзларимга нур бахш этган марказ директори Зафар Сиддиқов, хирург-офтальмолог Дилшод Абдиназаров, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Лариса Дурманова, кундузги стационар бўлими бошлиғи Хатира Аширматова, анестезиолог Раҳим Мирзабоев, И. Амилова, кундузги стационар бўлими катта ҳамшираси К. Маматова, операция хонаси ҳамшираси Наиля Галимова ҳамда марказнинг бошқа жонкуяр тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Тиббиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ана шундай малакали касб эгаларининг самарали ишларига омадлар тилаб қоламан.

**Малоҳат НАЗАРОВА,**
**2-гуруҳ ногирони,**
**Тошкент вилояти,**
**Қибрай тумани.**

*Соғлом авлод – Ватан келажаги*

# ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА: ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

***Дунёда чақалоқнинг йиғисидан мунаввар бўлган олам ўзининг саховати билан ҳар бир оилага бахт ва қувонч келтиради. Бу албатта, оиланинг мустаҳкамлиги, келажакдаги пойдеворни яратувчи мўъжизадир. Эндигина дунёга келган мурғак гўдакнинг онаси томон талпиниши ва ҳаракатларини кўрганмисиз? Айниқса, чақалоғи бағрида ётган онанинг қувончларини айтмайсизми?! Шунингдек, оилаларга бахт улашган она-бола ҳаёти учун ўз билим ва маҳоратини аямай, бор имкониятдан фойдаланган ҳолда амалиётни муваффақиятли ўтаган акушер-гинеколог ва барча тиббиёт ходимларининг синовли дақиқалардан ҳушёрлик, масъулият билан фидойи ҳолда вазифаларини астойдил бажарганликларига тан бермай иложинг йўқ.***

***Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизнинг скрининг, перинатал, туғруқ мажмуаларида бўлганимизда ана шундай қувончли дақиқалардан баҳра олиб, соғлом туғилаётган чақалоқлар келажагимиз эканини дилдан ҳис қилиб, қалбимиз ғурурга тўлади. Яқинда Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли перинатал марказида бўлганимизда, у ердаги фаолиятлар билан танишар эканмиз, аввало, марказдаги соғлом муҳит, айниқса, бирбиридан ширин чақалоқларнинг дунёга келганлигини кўриб, юқоридаги фикрларимиз нечоғлиқ тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Эътиборли жиҳати шундаки, онаси бағрида эркин нафас олаётган жажжи қизалоқни қўлимизга олар эканмиз, унинг нозиклиги, юзидаги илиқ табассуми ўз даврининг муносиб авлодлари бўлмиш Нодирабегим, Увайсий каби тарихий шахсларни кўз ўнгимизда намоён эта олди. Шунингдек, юз-кўзларида гўёки мардлик, жасорат ҳамда билакларидаги куч билан тарихий сиймоларимиз Амир Темур, Алпомиш, қолаверса, жасоратли Фарҳодларни гавдалантириб турган ўғил чақалоқчаларни кўриб, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк эканлигини дилдан ҳис этдик.***

***Марказда она ва бола учун яратилган барча шароит ва имкониятлар бизни бефарқ қолдирмади. Шу боис, амалдаги ишлар тўғрисида Сурхондарё вилоят перинатал маркази директори Абдисалом ЗИЁЕВ билан суҳбатлашишни жоиз деб билдик.***









– «Соғлом она – соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланди десак, муболаға бўлмайди. Чунки айни пайтда ушбу дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, жумладан, республика ихтисослаштирилган ва гинекология илмий-амалий марказлари, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган.

Шу жумладан, марказимиз ҳам ана шундай муассасалардан бири бўлиб, 1974 йилда шаҳар туғруқхонаси сифатида фаолият бошлаган. Айтиш муҳимки, ўша даврларда бугунгидек етарли шароит ва имкониятлар мавжуд эмас эди. Истиқлолимиз шарофати билан муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт муассасалари, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари, скрининг, перинатал ҳамда кўплаб шифо масканларининг мукаммал тармоғи бунёд этилди.

Вилоятимиз ҳудудида истиқомат қилаётган оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. 2010-2011 йилларда 1-, 2-туғруқ, реанимация, чақалоқлар, чақалоқлар патологияси ва реанимацияси бўлимлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда марказ ҳудудида лаборатория, ички дорихона, марказлашган зарарсизлантириш бўлимлари учун янги бинолар қурилди. Булар учун 1 миллиард 17 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Ўтган йили гинекология ва бемор ҳомиладорлар бўлимлари, маъмурият биноларида 625 миллион сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ушбу бўлимларга 2010 йилда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси» томонидан 255,5 миллион сўмдан зиёдроқ, ўтган йили эса қарийб 43,4 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари ва аппаратуралари олиб келиб ўрнатилди. Булар орасида Хитой, Америка ва Германия давлатларида ишлаб чиқарилган катталар ва чақалоқлар учун сунъий ўпка вентиляцияси, чақалоқларга интенсив ёрдам бериш инкубатори, транспорт инкубатори, чақалоқларни иситишга мўлжалланган стол, чақалоқларнинг физиологик монитори каби жуда зарур ва замонавий аппаратларнинг мавжудлиги ишлар самарадорлигини ошириб келмоқда.

Яна бир муҳим нарса шуки, мустақиллик йилларида марказимизнинг халқаро ташкилотлар билан алоқаси ва ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Масалан, 2002 йилдан буён Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ХОУП нодавлат, 2008 йилдан эса ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда воҳамизда «Кўкрак сути билан эмизишнинг моҳияти», «Бехатар оналик», «Чақалоқлар реанимацияси», «Самарали перинатал ёрдам», «Тирик туғилиш мезони» йўналишлари бўйича ходимларимиз ўқитилиб, малакаси оширилди. Айни пайтда улар орасидан маҳаллий тренер ҳам тайёрланди. Ўқиш жараёнида ўрганилган кўникмалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижада аёллар ва чақалоқлар ўртасида касалланиш, туғруқ ва унинг асоратлари кескин камайди. Бу эса оналар ва болалар ўртасида ўлим ҳолатлари камайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Марказимизда чақалоқлар реанимацияси бўйича даволаш ишлари яхши ташкил этилганлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Оғир аҳволда туғилган, тезкор ёрдамга муҳтож бўлган чақалоқлар ўртасида ўз вақтида реанимацион чора-тадбирлар кўрилганлиги боис, ўлим ҳолатлари камайди.

Шифо масканимиз айни пайтда воҳамиз аҳолисига акушерлик, гинекология, перинаталогия хизматлари кўрсатадиган координацион ва ихтисослашган методик марказ ҳам ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида шифохонамизда махсус ўқув маркази ташкил этилиб, вилоятимиз шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари марказимизнинг маҳаллий тренерлари томонидан махсус дастурлар асосида 1600 нафардан ортиқ акушер-гинеколог, неонатолог, доя ва чақалоқлар ҳамширалари ўз малакасини оширди. Бундан ташқари, бу ерда доимий семинарлар ҳам ўтказиб борилади.

Айни кунларда шифохонамиз бўлимларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва аппаратуралар билан жиҳозлаш давом этмоқда. Кейинги икки йил давомида «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида олинган 2 та УЗД аппаратуралари оғир аҳволдаги оналар ва болаларга ўзлари ётган хоналарда тиббий диагностика ўтказиш ҳамда даволаш ишларини амалга оширишга имкон бермоқда. Натижада ҳомиладор аёллардаги ривожланаётган, туғма нуқсонли ҳомиладорликни эрта муддатларда ташхислаш, ҳомиладорликни ўз вақтида тўхтатиш, аёллардаги мавжуд гинекологик хасталикларни даволаш самарадорлиги оширилди. Янги туғилган чақалоқлардаги неврологик касалликлар ва бош миядаги шикастланишларни эрта ташхислаш йўлга қўйилди. Айниқса, вилоятимизда скрининг марказининг ташкил этилганлиги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Шу туфайли ҳомиладорликнинг эрта муддатларида нуқсон борлиги аниқланиб, бундай ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва аёллар маслаҳатхоналарида эрта муддатда рўйхатга олинган барча ҳомиладор аёллар «Компливит – МАМА» поливитамини билан таъминланганлиги соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида марказимиз врачлари туман шифохоналаридаги оғир аҳволга тушган, туғадиган, туққан ва туғруқдан кейинги аёлларга 112 марта, жумладан, 17 марта санавиация билан бориб, юқори малакали хизмат кўрсатиб келишди.

Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорларини ҳаётга изчил татбиқ этишда марказимизнинг тажрибали ходимларидан акушер-гинеколог Ҳидоят Исломова, Лола Деҳқонова, Шарофат Турдиева, Гулзайнаб Бердиева, неонатолог Нурия Гарипова, Хайрулла Ашуров, Моҳира Норпўлатова, доялар Шоира Қурбонова, Басанда Қўлдошева, Гулнора Абдуллаева, чақалоқлар ҳамширалари Дилфуза Жумақулова, Ибодат Назарова, Шоҳбаланд Тоштемировалар ўз касбини ардоқлаб, она ва бола саломатлиги йўлида билим ҳамда тажрибасини ишга солиб, эришилаётган ютуқларга муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Мазкур қарорлар ижросини ҳамкорликда татбиқ этиш бўйича республикамизнинг етакчи клиникаларидан келаётган мутахассисларнинг ҳам ўрни алоҳида.

Давлатимизнинг биз шифокорларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги ва эътиборига жавобан бундан кейин ҳам халқимиз саломатлиги йўлида тинмай меҳнат қилаверамиз.

**Суҳбатдош**
**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Депутат минбари*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

***Барчамизга маълумки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари энг олий қадрият эканлиги ҳамда бу билан боғлиқ бўлган турли йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар аҳолининг соғлом, узоқ умр ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун хизмат қилишини англатади.***

Аввало, ҳар бир инсоннинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан унинг ўзига, турмуш тарзини қандай олиб боришига боғлиқ эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Эътирофлиси шундаки, мустақиллик йилларида инсон саломатлиги ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида соғлиқни сақлаш тизимига оид бир қанча қонунлар қабул қилинди. Улардан бири «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун 2007 йилнинг май ойида кучга кирди. Унга кўра, Ўзбекистон ҳудудида йодланмаган ош тузининг дўконларда сотилиши (шунингдек, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, ташилиши, Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши) мутлақо тақиқланган (15-, 21-моддалар).

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши йод танқислиги ҳолати ва ушбу ҳолат билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни ҳал қилишнинг реал имкониятларини яратди. Ҳар йили жойларда мазкур Қонун ижроси юзасидан ўтказиб келинаётган назорат-таҳлил натижаларидан маълумки, йод танқислиги туфайли келиб чиқаётган касалликлар ва улар асоратларининг олдини олишда республика миқёсида бирмунча ижобий самараларга эришилди. Аммо, мазкур Қонуннинг жойлардаги ижроси ҳамма жойда ҳам бир хил эмаслиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан **«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибида** ўрганиш учун ишчи гуруҳ тузилди. **Бухоро вилоятининг Бухоро ва Когон шаҳарлари, Қоракўл, Олот, Жондор ва Вобкент туманлари ҳудудларида** аҳолини сифатли йодланган ош тузи билан таъминлаш ҳолати ўрганиб чиқилди ва ушбу ҳудудларнинг барчасида деярли бир хилдаги камчиликларга йўл қўйилаётганлиги туфайли қонун ижроси оқсаётганлиги, қонунга тўлиқ риоя этилмаётганлиги, ҳаттоки, ушбу қонуннинг қатор моддалари ижроси қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги тақдим этган маълумотномага кўра, бугунги кунда вилоят ҳудудида йодланган ош тузини Қорақалпоғистон Республикаси (Хўжайли), Сурхондарё вилояти (Хўжайкон) ва Навоий шаҳридан олиб келиб, полиэтилен пакетларга солиб қадоқлайдиган 12 та юридик мақомга эга, давлат рўйхатидан ўтган цехлар мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда улардан 8 таси фаолият юритмоқда. Ачинарлиси шундаки, ана шу 8 та цехдан 3 таси махсус сертификатга эга бўлмаган ҳолда ўз фаолиятини бемалол давом эттириб келмоқда.

Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан Бухоро вилоятининг юқорида номлари кўрсатиб ўтилган ҳудудларида масалага оид ҳолат ўрганилганда мазкур ҳудудлардаги давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (ДСЭНМ) томонидан «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилганлиги, мониторинглар ўтказилаётганлиги, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга эътибор бериб келинаётганлигига қарамай**, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам сотув, ҳам истеъмол босқичларида ош тузларининг йодланганлик даражасини таъминлашда** жиддий камчиликлар борлиги, мониторинг олиб боришда Қонуннинг тегишли моддалари *(9-, 13-, 20-моддалар)*да белгилаб қўйилган аниқ вазифаларни бажариш ишига вилоят ҳокимлиги ҳамда унга қарашли тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари томонидан лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги аниқланди.

Бухоро вилояти ДСЭНМ томонидан 2011 йил давомида сотувда бўлган йодланган ош тузининг вилоят ҳудудларида олинган 2404 та намунасидан 425 тасида йод элементи миқдори нормада белгиланган миқдор даражасидан анча кам бўлиб (намунанинг 18 тасида йод элементи мутлақо мавжуд эмас, 409 тасида йод миқдори нормадан жуда кам), истеъмолга яроқсизлиги аниқланган.

Қонуннинг 17-, 20-моддаларига мувофиқ равишда вилоят ДСЭНМ томонидан олиб борилган мониторинг жараёнида ош тузи намуналарининг лаборатория текширувлари натижаларига кўра йод миқдори умуман аниқланмаган ёки бўлмаса йод элементининг миқдори истеъмолга яроқсиз даражада паст бўлган ош тузлари истеъмолдан олиниб, 2008 йил давомида вилоят бўйича 22021 кг, 2009 йилда 10529 кг, 2010 йилда 11876 кг, 2011 йилда 9566 кг миқдордаги яроқсиз йодланган ош тузи реализацияси тақиқланган.

Ваҳоланки, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва унинг тасарруфидаги ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ идоралари ушбу кўрсаткичларга жиддий эътиборни қаратган ҳолда Қонунда белгиланган тартибда (9-модда) ўз ваколатлари доирасида аҳолини сифатли йодланган, хавфсиз ош тузи билан таъминлаш ишларини вақтида тартибга солиши ҳамда бу каби камчиликлар бугунги кунгача давом этиб келмаслиги лозим эди.

Бухоро вилоятининг соғлиқни сақлаш бошқармаси, санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ идораси ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари ҳамда депутатлар ишчи гуруҳи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари томонидан **Когон шаҳри** ҳудудида ҳеч қандай юридик мақомга эга бўлмаган ва бугунги кунда бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишга оид амалдаги қатор Қонунлари *(Ўзбекистон Республикасининг “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ҳамда “Озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги)*га зид равишда мутлақо антисанитария шароитида қўлда йиғиб мослаштирилган, эски ускуна ёрдамида сифатсиз йодланган ош тузини ишлаб чиқараётган яширин цех мавжудлиги жойида аниқланиб, белгиланган тартибда мазкур цех фаолияти тўхтатилди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги “Шаҳобиддин Рустам” озиқ-овқат дўконида 2 турдаги йодланган ош тузлари “Йодтопар” индикатори ёрдамида текширувдан ўтказилганда “Solina” йодланган ош тузи таркибидаги йод миқдори истеъмолга лойиқ бўлиб, “Хўжаи жаҳон” йодланган ош тузи эса истеъмолга мутлақо яроқсиз эканлиги аниқланди. Текширувлар натижасида жуда катта ассортиментда турли пишириқлар ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган **“Кўк сарой”** хусусий новвойхонасида фойдаланилаётган, Сурхондарёнинг “Хўжайкон” туз конидан шартнома асосида катта қопларда олиб келинаётган ош тузи ҳам истеъмолга мутлақо яроқсиз эканлиги, унинг таркибида йод миқдори камлиги аниқланди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Айниқса, ошхоналардаги ана шундай ҳолатлар ҳам бундан мустасно эмас. Айрим ошхоналардаги текширув пайтида муассасалар раҳбарларининг тушунтиришларига қараганда, йодланган ош тузини реализация қиладиган фирма ва дўконлар Савдо трести томонидан тендер асосида танланар экан. Демак, вилоят ҳудудида давлатга қарашли Савдо трести томонидан бугунги кунда ош тузи билан таъминланаётган барча ошхоналарда юқорида қайд этилганидек – истеъмолга яроқсиз, сифатсиз йодланган ёки бўлмаса мутлақо йодланмаган ош тузлари реализация қилинмоқда. **Бу албатта, ачинарли ҳол.**

**Назорат-таҳлил** ўтказилган ҳудудлардаги аҳоли орасида йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг тарқалиши кўрсаткичлари ҳамон хавф туғдирадиган даражада деб баҳолаш мумкин. Ушбу касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар Қонуннинг тегишли моддалари ва меъёрларида белгиланган ҳажм доирасида ўтказилмаётганлиги, йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқаётган касалликларнинг нафақат катталар, балки ўқувчи-ёшлар ва болаларда ҳам вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги** Қонунида (16-, 21-моддалар) аниқ тақиқлаб қўйилганлигига қарамасдан, сифатсиз йодланган, давлат санитария қоида ва меъёр талаблари даражасида йодланмаган, таркибида йод миқдори етарли бўлмаган ёки бўлмаса, таркибида йод элементи умуман бўлмаган ош тузлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилмоқда, қадоқланмоқда ва мавжуд дўконларда бемалол сотилмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги** Қонунида **маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг** йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари сирасига йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан ўз ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширишлари хусусидаги меъёр белгилаб қўйилган бўлсада **(9-модда),** айрим раҳбарларнинг ушбу масалага масъулиятсизлик билан қараб келаётганликлари боис, ҳудудларда йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқаётган касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, қўмитанинг ишчи гуруҳи, Бухоро вилоятида аҳолининг йодланган ош тузи билан таъминланганлик даражаси қонунда белгиланган талабга тўлиқ жавоб бермайди, деб ҳисоблайди. Бундай ҳолат нафақат Бухоро вилояти, балки бошқа вилоятларда ҳам ачинарли аҳволда эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Албатта, бундай муаммоларнинг ечимини ҳал қилишнинг ягона чораси – юқори сифатли йодланган ош тузини ишлаб чиқаришни фақат замонавий техника ва технологиялар асосида ҳамда техник регламент, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги, шунингдек, санитария-гигиена қоида ва нормаларига риоя қилган ҳолда амалга оширишга қодир бўлган туз ишлаб чиқарувчи юридик шахсларгагина рухсат этиш баробарида, улар фаолиятини назорат қилишни мунтазам ва кафолатланган равишда йўлга қўйишнинг қонуний механизмини жорий этишдан иборатдир.

**Бугунги кунда бутун республика ҳудудида – сотувда йодланган ош тузи баробарида, йодланмаган ош тузининг мавжудлиги ва фуқароларимиз, шу жумладан, кўплаб болалар ҳамда ўсмир-ёшларнинг йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқаётган касалликларга чалинаётганликларига оид кўрсаткичлар** фақат йодланган ош тузини истеъмол қилишга эътиборни кучайтириш, бу ишда масъул бўлган барча тизим, ташкилот ва идораларнинг яқин ҳамкорликдаги фаолиятини қатъий йўлга қўйиш, мазкур масалада жойлардаги сиёсий партиялар, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳудуддаги бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликдаги жамоатчилик назоратини йўлга қўйишлари, йодланмаган ош тузидан аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, ушбуни амалга оширишда жойларда жамоатчилик назорати имкониятларидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

**Демак, юқоридаги фикрлардан чуқур мулоҳаза қиладиган бўлсак, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, масъулиятсизлик, суиистеъмоллик ва лоқайдликка йўл қўймаслигимиз ҳамда кенг жамоатчилик билан биргаликда иш олиб боришимиз даврнинг асосий талабларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.**

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Актуальная тема

# НАШ ОПЫТ ЛЕЧЕНИЯ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ, ОСЛОЖНЕННОГО РАСПАДОМ

***В последние десятилетия XX века в круг актуальных вопросов здравоохранения стремительно вошла проблема рака молочной железы. Если в 1975 году в мире эта болезнь была выявлена у 540.000 женщин, в 2000 году – у более 800 тыс., а в 2006 году число зарегистрированных больных РМЖ приблизилось к миллиону. По данным ВОЗ (Женева, 1986), за двадцать лет (1960-1980 гг.) смертность от РМЖ возросла в мире на 22%. Рак молочной железы (РМЖ) в настоящее время является одной из наиболее распространенных злокачественных опухолей у женщин. Ежегодно в мире выявляются около 1 млн. новых случаев РМЖ.***

В структуре онкологической заболеваемости женщин РМЖ почти во всех экономически развитых странах занимает первое место. При этом, удельный вес впервые выявленных больных с III-IV стадиями приближается к 40%.

Среди больных РМЖ у 15% отмечается осложненное течение болезни в виде распада, и хотя этот вид осложнения известен онкологам давно, лечение этой сложной группы пациенток остаётся актуальной проблемой. Актуальность проблемы заключается в отсутствии каких-либо фундаментальных работ, обобщающих своеобразное течение заболевания, закономерность и последовательность развития осложнений, отсутствие единой тактики лечения. Все это приводит к появлению разногласий в тех немногих публикациях, посвященных лечению пациенток с распадающимися формами РМЖ.

По мнению Портного С.М. (2006), проведение оперативного этапа лечения у больных с распадающимися формами РМЖ должно проводиться в рамках соблюдения максимальной радикальности, несмотря на наличие распада опухоли и кровотечение.

По данным ряда других авторов, перспективным направлением является индукционная химиолучевая терапия, позволяющая увеличить число оперированных больных за счет уменьшения массы первичной опухоли и позволяет определить индивидуальную чувствительность опухоли к терапии, что важно для выбора адъювантного лечения. При этом снижается частота метных рецидивов и отдаленных метастазов у больных МР РМЖ.

Наряду с этим, при лечении распадающихся форм РМЖ постоянно сохраняется вопрос о необходимости предоперационного облучения.

Немаловажным вопросом для практической онкологии является выбор наиболее оптимальной комбинации лучевой и лекарственной терапии, а также очередность их применения. Отсрочка хирургического удаления опухоли не исключает возможности диссеминации рака из первичного очага в случае неэффективности химиотерапии и возможности риска послеоперационных осложнений. Поэтому необходимым остаётся подбор рационального неоадъювантного лечения с оптимальным количеством курсов химиотерапии.

Таким образом, лечение распадающихся форм РМЖ является актуальной задачей, несмотря на использование современных схем лечения, а разработка новых подходов в лечении этой группы больных позволит улучшить непосредственные и отдаленные результаты лечения больных данной категории.

Больным, обратившимся в Ташкентский городской онкологический диспансер, нами было проведено традиционное общеклиническое и маммологическое обследование: сбор анемнеза, физикальный осмотр, пальпации молочных желез, общеклинический анализ крови и мочи, биохимическое исследование крови, рентгенологическое исследование, включающее маммографию, ультразвуковое исследование, цитологическое исследование опухоли и лимфатических узлов, с обязательным предварительным и послеоперационным гистологическим исследованием. По показаниям для уточнения местно-распространенности опухолевого процесса и отдаленных метастазов проводили радиоизотопное исследование костей скелета, компьютерную и магнитно-резонансную томографию. Больные в зависимости от вида лечения были распределены на 3 группы:

В I группу вошли больные, получившие 4 курса предоперационной полихимиотерапии по схеме Доксорубицин + Кселода. У 9 больных отмечено уменьшение опухоли до 50%, у 34 больных – более 50%, у 2 больных наблюдалась стабилизация процесса. Токсичность от химиотерапии I-II степени отмечалась до 83% в этой группе, III степени – до 17%.

Во II группе больные, получившие 4 курса предоперационной полихимиотерапии по схеме CAF (Доксорубицин, Фторурацил, Циклофосфан). У 17 больных отмечено уменьшение опухоли до 50%, у 20 больных – более 50%, у 4 больных наблюдалась стабилизация процесса. Токсичность от химиотерапии I-II степени отмечалась до 61% в этой группе, III степени – до 39%.

Всем больным в I и II группе было произведено оперативное вмешательство в объеме радикальной мастэктомии в различных модификациях. В I группе ранние послеоперационные осложнения не наблюдались, позднее послеоперационное осложнение наблюдалось у двоих пациентов в виде частого расхождения швов, за счет высокого натяжения кожных лоскутов. Во II группе у четырех пациентов отмечалось нагноение раны в раннем послеоперационном периоде и частичное расхождение швов. Больные I-II группы в послеоперационном периоде получили 4 курса адъювантной ПХТ по вышеуказанной схеме, также проведена лучевая терапия по радикальной программе.

В III группе больным изначально произведена операция в виде простой мастэктомии. У девяти больных отмечалось нагноение раны в раннем послеоперационном периоде и расхождение швов. Всем больным из этой группы проведено 6 курсов адъювантной ПХТ по схеме CMF и лучевая терапия по радикальной программе.

В результате проведенных нами научных исследований можно сделать следующие выводы: проведение неоадъювантной ПХТ, радикальной мастэктомии и адъювантной химиолучевой терапии у больных раком молочной железы, осложненного распадом, позволяет достигнуть одногодичной безрецидивной у 88% и у 73% безметастатической выживаемости по сравнению с больными, которым проводилась простая мастэктомия и адъювантная химиолучевая терапия – 70% и 54,7% соответственно, проведение предоперационной ПХТ по схеме Доксорубицин + Кселода в составе комплексной терапии рака молочной железы, осложненного распадом, улучшает одногодичную безрецедивную выживаемость до 91,1%, безметастатическую – до 80,1% по сравнению с группой пациенток, получивших ПХТ по схеме CAF – 85,4% и 63,5% соответственно.

**РАК МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ** – это злокачественная опухоль железистой ткани молочной железы. В мире это наиболее частая форма рака среди женщин, поражающая в течение жизни от 1:13 до 1:9 женщин в возрасте от 13 до 90 лет. Это также второе по частоте после рака легких онкологическое заболевание в популяции в целом (считая и мужское население). Количество случаев рака молочной железы в развитых странах резко увеличилось после 1970-х годов. За этот феномен считают частично ответственным изменившийся стиль жизни населения развитых стран (в частности то, что в семьях стало меньше детей и сроки грудного вскармливания сократились).

Поскольку молочная железа состоит из одинаковых тканей у мужчин и женщин, рак молочной железы иногда встречается и у мужчин, но случаи РМЖ у мужчин составляют менее 1% от общего количества больных РМЖ.

Рак молочной железы является одной из самых изученных и изучаемых форм рака. Древнейшее из известных описаний рака молочной железы (хотя сам термин "рак" еще не был известен и не использовался) было найдено в Египте и датируется примерно 1600 годом до нашей эры. Так называемый "Папирус Эдвина Смита" описывает 8 случаев опухолей или изъязвлений молочной железы, которые были подвергнуты лечению прижиганием огнем. Текст гласит: "От этой болезни нет лечения, она всегда приводит к смерти".

В течение многих столетий врачи описывали подобные случаи в своей практике с тем же печальным заключением. Никаких сдвигов в лечении рака молочной железы не происходило до тех пор, пока в XVII веке врачи не добились лучшего понимания работы кровеносной и лимфатической систем организма и не смогли понять, что рак молочной железы распространяется (метастазирует) по лимфатическим путям и в первую очередь поражает ближайшие – подмышечные – лимфатические узлы. Французкий хирург Жан-Луи Петит (1674-1750) и вскоре после него шотландский хирург Бенджамин Белл (1749-1806) были первыми, кто догадался удалять при раке молочной железы не только саму молочную железу, но и ближайшие лимфатические узлы и подлежащую грудную мышцу. Их успешная работа была подхвачена Уильямом Стюардом Холстедом, который в 1882 году ввел в широкую медицинскую практику технически усовершенствованный вариант этой опреации, которую он называл «радикальной мастэктомией». Операция стала настолько популярной при раке молочной железы, что даже получила название по имени ее изобретателя – «мастэктомия Холстеда» или «мастэктомия по Холстеду».

В настоящее время исследована экспрессия различных генов в опухолях молочной железы и выделены различные молекулярные типы опухоли. Клинически они имеют существенно различный риск развития метастазов и требуют различной терапии. Коллекция данных по экспрессии 17816 генов в опухолях молочной железы доступна он-лайн и используется не только для медико-биологических исследований, но и как ставший классическим тестовый пример для визуализации и картографии данных.

**Существуют три основных пути улучшения результатов лечения рака молочной железы:**

- *ранняя диагностика;*
- *первичная и вторичная профилактика,адекватное лечение.*

**Факторы риска развития рака молочной железы:**

- *отсутствие в анамнезе беременностей и родов;*
- *первые роды после 30 лет;*
- *курение, особенно если оно начато в юном возрасте;*
- *раннее менархе (до 12 лет);*
- *поздняя менопауза (после 55 лет);*
- *отягощенный семейный анамнез (онкозаболевания у кровных родственников);*
- *больные, леченные по поводу рака женских половых органов;*
- *травма молочной железы в анамнезе;*
- *ожирение;*
- *сахарный диабет;*
- *гипертоническая болезнь;*
- *злоупотребление алкоголем;*
- *употребление экзогенных гормонов – при непрерывном употреблении экзогенных гормонов с целью контрацепции или лечения – более 10 лет.*

Симптомы рака молочной железы на ранних стадиях заболевания могут отсутствовать или характеризоваться появлением в молочной железе небольших малочувствительных подвижных масс. Рост опухоли сопровождается нарушением ее подвижности, фиксацией, розоватыми или оранжевыми выделениями из соска.

**Сигналы тревоги рака молочной железы:**

- *наличие уплотнений или опухолевидных образований в одной или обеих молочных железах;*
- *выделения из соска любого характера, не связанные с беременностью или лактацией;*
- *эрозии, корочки, чешуйки, изъявления в области соска, ареолы;*
- *беспричинно возникающая деформация, отек, увеличение или уменьшение размеров молочной железы;*
- *увеличение подмышечных или надключичных лимфоузлов.*

Выявление врачом хотя бы одного из указанных «сигналов тревоги» требует срочного направления больной к онкологу-маммологу. Скрининг рака молочной железы проводится при физикальном обследовании молочной железы врачом любой специальности ежегодно, а также ежемесячного самообследования молочных желез. Маммография проводится женщинам от 35 до 50 лет раз в 2 года (при отягощенном личном и семейном анамнезе – 1 раз в год), женщинам после 50 лет – ежегодно. Профилактика рака молочной железы заключается в устранении факторов, способствующих его развитию, а также в оптимальной диспансеризации женщин с гиперпластическими процессами и своевременном адекватном их лечении, включая оперативные методы. Диагностика данного заболевания должна быть комплексная. Методами исследования являются узи молочных желез, термомаммография и маммография. Велика роль анализа крови на онкомаркер. Для установления типа опухоли делают гистологическое исследование тканей.

Рак молочной железы на ранних стадиях протекает бессимптомно и не причиняет боли. Обычно рак молочной железы обнаруживают до появления симптомов – либо на маммографии, либо женщина чувствует появление уплотнения в груди. Также может появиться не исчезающее в течение менструального цикла уплотнение в подмышечной ямке или над ключицей.

**Прочие симптомы:**

- *прозрачные или кровянистые выделения из груди;*
- *втяжение соска;*
- *изменение цвета или структуры кожи груди.*

**Г. ХАКИМОВ, Н. ШАЮСУПОВ, С. ПАК, А. МАДАЛИМОВ,**
**Ташкентский городской онкологический диспансер.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Туҳфа

# КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРИМИЗ БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

***"Меҳр нури" жамғармаси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида Тошкент педиатрия тиббиёт институтида замонавий спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди.***



Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирга соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, талаба ҳамда ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Б. Даминов, "Меҳр нури" жамғармаси бошқаруви раиси А. Саъдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида инсон омили устуворлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасидаги эзгу ишлар юксак самара бераётганини таъкидлади.



"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Соғлом она – соғлом бола" тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга доир ишлар ҳажми тобора ортмоқда.

Ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, хотин-қизлар, ёшлар, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Ушбу нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий акциялар, хайрия марафонлари, спорт мусобақалари, маърифий анжуманлар ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини қарор топтириш, миллатимиз генофондини соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида янги спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилгани бунинг мисолидир. Бу ерда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Мажмуа спорт заллари, тренажёр хоналари замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган. Оғир атлетика, кураш, гимнастика, фитнес секциялари, мини-футбол, баскетбол, волейбол учун майдонлар ҳам талаба-ёшлар ихтиёрида.



Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Дил изҳорлари

## ЭЗГУ ТИЛАГИМ СИЗЛАРГА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девонининг Назорат-ахборот бўлимига Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ровот шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 7-уйда истиқомат қилувчи Тошмаҳаммад Ўрозалиев Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов ҳамда ўзи даволаниб чиққан тиббиёт муассасаларининг бир гуруҳ тиббиёт ходимларига миннатдорчилик мактубини юборган.***

Муаллиф ўз хатида аввало, Юртбошимиз, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббиёт муассасаларида яратилаётган шароит ва имкониятлар хусусида ўз мамнунлигини билдиради ҳамда қуйидаги фикрларни баён этади: кўнгилсиз тасодиф туфайли 2000 йилда иккала оёғимдан оғир тан жароҳати олдим. Аввалида кўп азият чекдим. Минг шукрлар бўлсинки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мен каби ногиронларга катта ғамхўрликлар кўрсатила бошланди. Ўз вақтида малакали шифокорлар кўригидан ўтиб тураман. Зарур аппаратлар билан таъминландим.

Шу йилнинг 28 март куни Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида истиқомат қилаётган опамникига меҳмонга бораётганимда Тошкент довонига яқинлашгач, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Меҳмонга келгач, уйдагилар аҳволимдаги ўзгаришни сезгач, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиалига олиб боришди. У ердаги тажрибали шифокорлар касаллик ташҳисимни аниқлагач, тезда даво муолажалари бошлаб юборишди. Сунъий буйрак бўлими бошлиғи В. Дягилов, даволовчи врачим Қ. Усмонов, терапевт А. Исаков ва бири-биридан чаққон ҳамширалардан мингдан-минг розиман.

Шунингдек, марказда беморлар учун шароиту имкониятларни яратган, қолаверса, жамоада соғлом муҳитни шакллантирган Равшан Мўминовга ва соғлигим учун астойдил жон куйдирган меҳрибон тиббиёт ходимларига дил ташаккуримни билдираман.

Бундан ташқари, Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Уйчи туман тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойиларига ҳам чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман ҳамда уларга оилавий хотиржамлик, масъулиятли ишларида омадлар тилаб қоламан.

**Тошмаҳаммад ЎРОЗАЛИЕВ,**
**1-гуруҳ ногирони.**

## ШИРИНСЎЗ ҲАМШИРАЛАР БОР БЎЛСИН

Саломатлигимизни тиклаш мақсадида бир неча йиллардан бери Тошкент шаҳридаги 4-клиник шифохонасининг юрак хасталиги бўлимида даволаниб келмоқдамиз. Айниқса, бўлим бошлиғи Аҳрор Ҳамраев, шифокор Флюра Муҳамедовна ва муолажаларни ўз вақтида сидқидилдан бажараётган барча ҳамширалардан жуда миннатдормиз.

Хусусан, мазкур бўлимда беморларнинг назарига тушган ўз касбининг фидойиси бўлган ҳамшира Вазира Алимованинг меҳрибонлиги, самимийлиги, қолаверса, билимдонлиги дарддан фориғ бўлишимизда ёрдам бермоқда. Шунингдек, меҳрибон ҳамшира ажойиб оиланинг бекаси, икки фарзанднинг онаси ва олти нафар севимли невaранинг бувижонисидир. Юртимизда Вазирахондек ажойиб ҳамширалар кўп бўлишини тилаган ҳолда, уларнинг оилаларига тотувлик, ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Вазира МУҲАМЕДОВА**
**ва Эркин ШАРИФХЎЖАЕВ.**

Благодарность

## СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

В течение месяца я получала лечение и посещала процедурный кабинет дневного стационара семейной поликлиники №20 Алмазарского района. От всей души выражаю благодарность процедурной медсестре Ф. Кенжаевой за доброе отношение, сочувствие и понимание каждого больного, за простоту, мягкосердечие и отзывчивость. Очень хорошо, что в нашей поликлинике есть такая опытная медсестра.

**Э. ИССА, г.Ташкент.**

### ЭЪЛОН

2012 йил 9 июнь куни соат 10.00 да Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси биносида Андижон Давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва даволаш факультетини 1987 йилда тамомлаган битирувчиларнинг 25 йиллик учрашуви бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99898) 271-71-26 Алишер Эргашев, (+99894) 566-20-20 Алишер Маматов, (+99873) 214-30-43 Равшан Шерматов.**

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилоят филиали директори Юсуф Расулович Маликовга падари бузрукври

**Расул МАЛИКОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**
**Нашр учун масъул**
**Бош муҳаррир ўринбосари**
**Ибодат СОАТОВА**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**

**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.**

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.**

**Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 9745 нусха.**
**Буюртма Г-645.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.